

50	Йирик корхоналар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	Вилоят бошқармаси	статистика
51	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмига хусусий тадбиркорлигининг (фурқалар мулк) улуши	Вилоят бошқармаси	статистика
52	Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши	Вилоят бошқармаси	статистика
53	Оммавий савдоларда сотиладиган давлат объектлари	Вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси, Вилоят "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси	Вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси, Вилоят "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси
54	Транспорт турлари бўйича юк ва йўловчи ташини айланиши	Вилоят бошқармаси	статистика
55	Фермер хўжалиқлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги кишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Вилоят бошқармаси	статистика
56	Чорва моллари ва паррандалар бош сони ҳақида маълумот	Вилоят бошқармаси	статистика
57	Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатилган корхона ва ташкилотлар	Вилоят бошқармаси	статистика
58	МДХ ва бошқа давлатлар кесимида виллоятнинг ташқи савдо айланиши	Вилоят бошқармаси	статистика
59	Вилоят экспорт-импорти таркиби	Вилоят бошқармаси	статистика
60	Вилоят ташқи савдо айланишида қатта улушга эга бўлган давлатлар билан товарлар айланиши ҳақида маълумот	Вилоят бошқармаси	статистика
61	Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши	Вилоят бошқармаси	статистика

62	Худудлар кесимида бозор хизматлари ишлаб чиқарилиши	Вилоят бошқармаси	статистика
63	Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетининг 2018 йил параметрлари	Вилоят молия бошқармаси	Вилоят молия бошқармаси
64	Вилоятда маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган мактабгача таълим муассасаларида тўловлари миқдорлари маълумот	Вилоят молия бошқармаси	Вилоят молия бошқармаси
65	2018 йилда даромадлар ва солиқлар тушумларидан виллоятдаги шаҳар ва туманларнинг ажратмалар меъёрлари маълумот	Вилоят бошқармаси	Вилоят бошқармаси

O'zbekiston Respublikasi
 Samarqand viloyati
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
 Самаркандской области
 Республики Узбекистан

2018 у.г. « 16 » май

№ 319-Қ

Samarqand sh., – г. Самарканд

Самарканд вилояти ҳокимлиги фаолияти бўйича ахборотни тўплаш ва
 уни эълон қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
 тўғрисида

Самарканд вилояти ҳокимлигининг ахборот жиҳатидан очиклигини янада ошириш, жамоатчиликка амалга ошириладиган ишларнинг мақсади, вазифалари, бориши ҳамда натижалари, виллоятнинг глобал ахборот жамиятига уйғун интеграциялашуви ҳақида ўз вақтида ва тўлақонли ахборотни тезкорлик билан етказишда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида"ги, "Очик маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар:

Самарканд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш учун масъул бўлган мансабдар шахслар ва улар билан алоқа боғлаш маълумотлари 1-иловага мувофиқ;

Самарканд вилояти ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилаётган ахборот рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Самарканд вилояти ҳокимлигининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисида эълон қилиниши (чоп этилиши) лозим бўлган ахборот материаллари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

“Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Самарқанд вилояти ҳокимлиги очик мажлисларида иштирок этиш тартиби тўғрисида”ги Низом 5-иловага мувофиқ;

Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида “Очик маълумотлар портали”даги “Самарқанд вилояти ҳокимлиги” рукни остидаги ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.Samarkand.uzдаги маълумотлар базаларини тўлдириш ва мунтазам равишда янгилаб боришда лозим бўлган ахборот ва маълумотларни тақдим этишга масъул бўлганлар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маълумотлар базасини шакллантиришга масъул этиб бириктирилган ташкилотлар раҳбарлари:

иловада келтирилган рўйхат бўйича маълумотларни белгиланган муддатларда вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Ибодуллаев)га тақдим этиб борсин;

Ахборот хизмати маълумотларни таҳлил ва таҳрир қилиб, Очик маълумотлар портали ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштириш чорасини кўрсин.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси (Н.Эшназаров) вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” ДУК (О.Муродуллаев) вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати томонидан тақдим этилган маълумотларни Порталга мунтазам равишда жойлаштириб бориш бўйича амалий ёрдам кўрсатсин.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотлар базасининг юритилиши натижаси бўйича ҳар чорак якуни ҳақида кейинги ойнинг 10 санасига қадар вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобиловга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Т.Джураев

Самарқанд вилояти ҳокимининг
2018 йил 14-майдаги 319-қсонли
қарорига 1-илова

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни
тақдим этиш учун масъул бўлган мансабдар шахслар ва
улар билан алоқа боғлаш
МАЪЛУМОТЛАРИ**

№	Вазифаси	ФИШ	Алоқа боғлаш маълумотлари
1	Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	Қобилов Рустам Ражаббоевич	(0366) 235-20-66
2	Вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари	Ҳамрокулов Ўткир Орифжанович	(0366) 231-15-49 e-mail: vilatg@inbox.uz
3	Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари	Ибодуллаев Манноб Махматмуродович	(0366) 235-63-80 e-mail: sampressa@inbox.uz

6-боб. Сўровларнинг кўриб чиқилишини мониторинг қилиш

31. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим сўровларни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинмалар томонидан сўровлар кўриб чиқилишини доимий мониторинг қилади, зарур ҳолларда, сўровларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

32. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим сўровларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби сўровларни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинмалар томонидан бузилиши тўғрисида Самарқанд вилояти ҳокимини дарҳол хабардор қилади.

33. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда Самарқанд вилояти ҳокимига сўровлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурат бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

34. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим сўровларни умумлаштириб, таҳлил қилиб боради.

Зарур ҳолларда, таҳлил натижалари бўйича Самарқанд вилояти ҳокимига давлат органида сўровлар билан ишлаш тизимини ва тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан, шунингдек ахборотдан фойдаланувчилар томонидан давлат органи фаолияти тўғрисида мунтазам сўралувчи ахборотни нашр этиш ҳамда бошқа муҳим масалалар бўйича таклифлар киритади.

7-боб. Яқуний қондалар

35. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Самарқанд вилояти ҳокимининг
2018 йил 10-майдаги 319-Д-сонли
қарорига 3-илова

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотлар РЎЙХАТИ

1. Жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборот.
2. Жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборот, шунингдек, унинг шахсий ҳаёти сирини очувчи ахборот, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
3. Ахборот манбаи ёки тахаллус билан имзо чеккан муаллиф тўғрисидаги ахборот, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
4. Ўзгаришлар, телефондаги сўзлашувлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган почта, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сири тўғрисидаги ахборот.
5. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган тергов ва суд юритуви сири ҳисобланган маълумотлар.
6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот эгаси ахборот олиши чекланган хизматга доир маълумотлар.
7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган тижорат сири ҳисобланган маълумотлар.
8. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган банк сири, шахсни суғурталаш ва касб сири.
9. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган (арчилик сири, нотариал ҳаракатлар, адвокатлик сири ва бошқалар) касб фаолияти билан боғлиқ маълумотлар.
10. Улар ҳақидаги маълумотлар расмий тарзда эълон қилинганга қадар ихтиро, фойдали модел ёки саноат намунасининг мохияти тўғрисидаги маълумотлар.

Самарқанд вилояти ҳокимининг
2018 йил 4-майдаги 319-Д-сонли
қарорига 4-илова

Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги эълон қилиниши (чоп этилиши) лозим бўлган ахборот материаллари РЎЙХАТИ

1. Вилоят ҳокимлигининг ҳуқуқий маконини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек, уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар.
3. Вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарорларга ўзгариш ва қўшимчалар қилиниши, шунингдек, ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар.
4. Вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқарилаётган қарорларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар.
5. Вилоят ҳокимлиги томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар.
6. Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, даяра сурабати ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар.
7. Самарқанд вилояти ҳокимлигининг жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, ҳорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар.
8. Амалиёт оширилишида вилоят ҳокимлиги иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар.
9. Чорак ҳамда йил якуналари бўйича вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар.
10. Вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очик танловлар (тендерлар) ва кимосди савдолари тўғрисидаги маълумотлар.
11. Бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар.
12. Вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар.
13. Вилоят ҳокимлигида ўтказиладиган чорак якуналарига бағишланган фаоллар йиғилиши, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари (очик мажлислар)ни ўтказиш режалари, шу жумладан йиғилишларнинг кун тартиби.

**“Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Самарқанд вилояти ҳокимлиги
очиқ мажлисларида иштирок этиш тартиби тўғрисида”ги
НИЗОМ**

Мазкур Низом “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ахборотдан фойдаланувчиларнинг Самарқанд вилоят ҳокимлиги очиқ мажлисларида ҳозир бўлиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қондалар

1. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (жумладан, вилоят ҳокимлиги)нинг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.

2. Мазкур Низом талаблари Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан очиқ мажлисда иштирок этиш учун таклиф этилган шахсларга нисбатан таътиб этилмайди.

3. Самарқанд вилояти ҳокимлигининг мажлислари очиқ тарзда ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4. Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолиятига оид ахборотдан фойдаланувчиларнинг танишиб чиқишлари учун бинонинг ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарида ёки махсус ажратилган жойларида очиқ мажлисларни ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой, вақт ҳамда зарур ахборот ахборот стендлари ёки шундай мақсад учун мўлжалланган техник воситаларга мажлис ўтказилишидан камида уч кун олдин жойлаштирилиши шарт.

2-боб. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг очиқ мажлисларда ҳозир бўлиши

5. Ахборотдан фойдаланувчи Самарқанд вилояти ҳокимлигининг мажлисларида ҳозир бўлиши учун вилоят ҳокимлигига сўров билан мурожаат қилади. Сўров “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни
олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва
қайта ишлаш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қондалар

1. Давлат органларининг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.

2. Давлат органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров (бундан буён матнда сўров деб юритилади) ахборотдан фойдаланувчининг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақида ушбу органларга ва (ёки) уларнинг мансабдор шахсларига йўлланадиган оғзаки ёки ёзма шаклдаги (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклидаги) талабидир.

3. Ахборотдан фойдаланувчи давлат органларига уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

4. Сўровлар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида кўрсатилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши керак.

5. Ёзма сўровда мурожаат этувчининг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Ёзма сўровда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги мурожаат этувчининг сўровга ахборот тизими орқали электрон шаклда жавоб олишга бўлган розилигидир.

6. Сўровлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

7. Қуйидагилар сўров ҳисобланмайди:

Ахборотдан фойдаланувчининг идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўровлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

6. Сўров келиб тушган куни Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан алоҳида махсус журналда рўйхатга олинади ва зудлик билан кўриб чиқилади. Мазкур журнал мажлис котиби томонидан юритилади.

7. Сўровга асосан мажлис котиби ахборотдан фойдаланувчини очик мажлисда иштирок этувчилар рўйхатига киритади ҳамда бу ҳақда фойдаланувчига маълум қилади. Очик мажлиснинг ўтказилиш санаси, вақти ёки жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда фойдаланувчига маълум қилинади.

8. Ахборотдан фойдаланувчилар очик мажлисга шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида киритилади.

9. Ахборотдан фойдаланувчи очик мажлисга келмаган тақдирда, мажлис котиби томонидан бу ҳақда махсус журналга ёзиб қўйилади.

10. Самарқанд вилояти ҳокимлиги мавжуд имкониятларидан ҳамда ахборотдан фойдаланувчилар сонидан келиб чиқиб, очик мажлис ўтказиладиган залда ахборотдан фойдаланувчилар учун жой тайёрланади. Ахборотдан фойдаланувчилар очик мажлис ўтказиладиган залга махсус журналдаги қайд этиш кетма-кетлиги асосида жойлаштирилади.

Ахборотдан фойдаланувчилар сонининг кўплиги сабабли, уларни очик мажлис ўтказиладиган залга жойлаштириш имкони бўлмаган тақдирда, улар мажлиснинг боришини видео тасвир орқали монеликсиз кузатиб боришлари мумкин бўлган хонага жойлаштирилади.

11. Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ахборотдан фойдаланувчилар очик мажлиснинг боришини видео тасвир орқали монеликсиз кузатиб боришлари учун ажратилган хона жиҳозлаб қўйилади.

12. Ахборотдан фойдаланувчилар очик мажлис бошлангунга қадар белгиланган жойга етиб келиши, рўйхатдан ўтиши ва белгиланган жойга ўтириши лозим. Ахборотдан фойдаланувчилар раислик қилувчи томонидан мажлис бошланганлиги эълон қилингандан сўнг келган тақдирда, кечикиб келган ҳисобланади ва улар мажлисга қўйилмайди.

13. Ахборотдан фойдаланувчи Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган очик мажлиснинг регламентида белгиланган тартибда мажлисда саволлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

14. Ахборотдан фойдаланувчи томонидан мажлис давомида мажлис кун тартибига тааллуқли бўлмаган ва ушбу мажлисда муҳокама қилинмаган масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган ёки саволлар билан мурожаат этилган тақдирда, унга мазкур масала бўйича ахборот олиш тартиби тушунтирилади.

15. Ахборотдан фойдаланувчи мажлис ўтказиладиган вақтда тартибни бузмаслиги шарт. Ахборотдан фойдаланувчи мажлис ўтказиладиган вақтда тартибни бузган тақдирда, раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилади.

Ахборотдан фойдаланувчи тартибни такроран бузган тақдирда, у раислик қилувчи томонидан мажлис ўтказиладиган залдан чиқариб юборилади. Мазкур ҳолат юзасидан мажлис котиби далолатнома тузади ва далолатнома раислик қилувчи томонидан имзоланади.

16. Ахборотдан фойдаланувчиларга очик мажлисни фотосуратга, видео тасвирга олишга, овоз ёзиш воситаларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

17. Мажлис баённомасида очик мажлисда ҳозир бўлган ахборотдан фойдаланувчиларнинг иштироки ҳақида тегишли маълумотлар кўрсатилиши лозим.

3-боб. Яқуний қоида

18. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2015 йил 25 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган намунавий Низомга мувофиқ ишлаб чиқилди.

жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, шикоят ҳамда таклифлари;

тақдим этилишининг ўзига хос хусусиятлари бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган, давлат органларининг фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотнинг айрим турлари;

давлат органининг бошқа органларга уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишга доир сўровлари.

8. Ахборотдан фойдаланувчи томонидан сўралган ахборот қонунда белгиланган тартибда давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, сўровда кўрсатилган ахборотни тақдим этиш рад этилади ва ахборотдан фойдаланувчига асослангилган жавоб юборилади.

2-боб. Сўровларни қабул қилиш

9. Ахборотдан фойдаланувчи Самарқанд вилояти ҳокимлигига оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат шаклида сўров билан мурожаат этиши мумкин. Бунда электрон ҳужжат шаклидаги сўровлар Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайти, расмий электрон почта манзили ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади.

10. Сўровларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш Самарқанд вилояти ҳокимининг қарори билан белгиланган сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан амалга оширилади.

11. Сўров почта орқали келиб тушганда, сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан конвертда сўров мавжудлиги текширилади.

Конвертда сўровнинг ёки сўровда кўрсатилган иловаларнинг мавжуд эмаслиги аниқланганда, сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири (сўров ва у юборилган конверт билан бирга) сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходимда қолади, иккинчиси кузатув хатига илова қилинган ҳолда конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

12. Электрон ҳужжат шаклида сўров тушган кунда қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса - навбатдаги иш кунда қоғозга босиб чиқарилиши керак.

13. Ахборотдан фойдаланувчини идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўров аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

14. Сўров аноним деб эътироф этилганда, бу ҳақда ижрочи (ёки ижрочилар) томонидан хулоса тузилади. Хулосада сўровни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Сўровни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан тасдиқланади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши раиси ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан ижродан олинади.

15. Аввалги сўровлар бўйича юборилган жавобдан норозилик билдирилган, шунингдек агар такрорий сўров келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги сўров ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир ахборотдан фойдаланувчидан келиб тушган сўров такрорий деб ҳисобланади.

Такрорий сўровга у келиб тушгандан сўнг навбатдаги рўйхат индекси берилиб, сўровларни рўйхатга олиш журналида ёки электрон ҳужжат айланиш тизимида «такрорий» деб қайд этилади.

16. Айнан бир ахборотдан фойдаланувчининг сўрови нусхаси сўров дубликати ҳисобланади. Самарқанд вилояти ҳокимлигига сўров дубликати (нусхаси) келиб тушган ҳолларда, ушбу сўровга алоҳида тартиб рақами берилмасдан, биринчи марта рўйхатга олинган сўровнинг тартиб рақами ва ундан сўнг бош ҳарфда «Д» белгиси ҳамда сўров келиб тушган сана билан қайд этилади (масалан, сўров биринчи марта 2016 йил 10 мартда 10-1-25 билан рўйхатга олинган бўлиб, сўров дубликати ҳам келиб тушганда, «2016 йил 10 март, 10-1-25/Д» каби рўйхатга олинади).

3-боб. Сўровларни рўйхатдан ўтказиш

17. Сўров Самарқанд вилояти ҳокимлигига келиб тушгандан сўнг, у сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан сўровларни рўйхатга олиш журналига ёки электрон ҳужжат айланиш тизимига қайд этилади.

18. Сўровларни рўйхатга олиш журнали ёки электрон ҳужжат айланиш тизимида сўров қабул қилинган сана, сўровнинг тартиб рақами, сўров билан мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш жойи (юридик шахслар учун - юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар, сўровнинг қисқача моҳияти, агар сўров дубликат ёки такрорий бўлса, унинг дубликат ёки такрорийлиги ҳамда сўров ижроси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

19. Ахборотдан фойдаланувчи ўз сўровини у кўриб чиқилгунга қадар ва кўриб чиқиладиган вақтда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Сўровларни қайта ишлаш

20. Қабул қилинган ва рўйхатга олинган сўровлар бир иш кун ичида Самарқанд вилояти ҳокими ёки унинг ўринбосарига резолюция (сўровни ижро этиш бўйича кўрсатма) қўйиш учун киритилади.

21. Резолюцияда сўровни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма(лар) раҳбарининг фамилияси, топшириқ мазмуни акс эттирилади ҳамда давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади ва сана қўйилади.

22. Резолюция ёзилганидан сўнг, сўров сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан сўровни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма ходимига имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

23. Сўровлар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқилади.

24. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим мунтазам равишда Самарқанд вилояти ҳокимлигида сўровлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисида мунтазам сўралувчи ахборотни нашр этиш ҳамда бошқа муҳим масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида сўровларни умумлаштириш, уларни мазмунан бирлаштириш ва бошқа шаклларда қайта ишлашни амалга оширади.

5-боб. Оғзаки сўровларни қабул қилишни ташкиллаштириш

25. Самарқанд вилояти ҳокими томонидан тасдиқланган график асосида белгиланган кунлар ва соатларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

26. Самарқанд вилояти ҳокимлигида ахборотдан фойдаланувчиларни қабул қилиш учун мўлжалланган алоҳида хона ажратилиши мумкин.

27. Ахборотдан фойдаланувчи оғзаки мурожаат этаётганда, Самарқанд вилояти ҳокимлиги масъул ходимига ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини, юридик шахснинг вакили эса ўзининг шахсини ва ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларини кўрсатиши керак. Бундай ҳужжатларни кўрсатмаган ахборотдан фойдаланувчилар қабул қилинмайди.

28. Оғзаки сўров билан мурожаат қилган ахборотдан фойдаланувчини қабул қилиш сўров моҳиятидан келиб чиқиб, тегишли бўлинма раҳбари ҳамда сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ходими ёки масъул ходим иштирокида амалга оширилади.

Агарда оғзаки сўров билан мурожаат этган ахборотдан фойдаланувчини қабул қилиш вақтида ушбу сўровни қўриб чиқиш Самарқанд вилояти ҳокимлигининг ваколат доирасига кирмаслиги аниқланса, унга сўралаётган ахборотни олиш бўйича сўров билан қайси давлат органига мурожаат этиши мумкинлиги тушунтирилади ва бу ҳақда сўровларни рўйхатга олиш журнаliga ёки электрон ҳужжат айланиш тизимига қайд этилади.

29. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг оғзаки сўровлари Самарқанд вилояти ҳокимлигининг «ишонч телефони» орқали қабул қилиниши мумкин. Бунда сўровлар мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

30. Оғзаки сўровга, имкониятга қараб дарҳол жавоб берилиши керак.

Самарқанд вилояти ҳокимининг
2018 йил 10 майдаги 119-қарори
2-илова

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган ахборот РЎЙХАТИ

1. Вилоят ҳокимлигининг расмий сайтига жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотга қўйилган қиради:

а) вилоят ҳокимлигининг ҳуқуқий макomini, шу жумладан вилоят ҳокимлигининг, унинг бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ташкилий тузилмаси, функциялари ва вазифаларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

б) вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

в) вилоят ҳокимлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар;

г) вилоят ҳокимлиги фаолияти соҳасида қабул қилинган дастурлар тўғрисидаги умумий маълумотлар (номи, мақсади, асосий вазифалари, бурютмачилари, бош ижрочилари, амалга ошириш муддатлари ва қўйилётган натижалар);

д) вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий таширлар) тўғрисидаги маълумотлар, вилоят ҳокимлигининг қўйилган фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот;

е) вилоят ҳокимлигининг давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ж) амалга оширилганда вилоят ҳокимлиги иштирок этадиган халқаро шарномаалар тўғрисидаги ахборот;

з) вилоят ҳокимлиги фаолияти соҳасига қиридан тармоқнинг аҳолини, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда унинг ривожланиш динамикасини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар;

и) бун иш ўринлари ва ишга қабул қилиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар;

к) расмий сайтининг ахборот материалларидан фойдаланишда унга ҳавоалар мажбурий кўрсатилиши тўғрисидаги талаб;

л) вилоят ҳокимлигининг расмий сайтига жойлаштирилиши зарур деб ҳисоблайдиган умумий фойдаланиладиган бошқа ахборот ва маълумотлар;

2. Вилоят ҳокимлиги томонидан расмий сайт орқали кўрсатилган базавий ахборот хизматлари рўйхатида қўйилганлар мажбурий тартибда тақдим этилади:

а) вилоят ҳокимлиги раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, биографик маълумотлар ва улар билан боғланиш маълумотлари, фуқароларни қабул қилиш қулилари);

б) вилоят ҳокимлигининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўлинмаларининг телефон рақамлари ва манзил режизитлари (почта, электрон манзили ва бошқалар), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумотлар бериш хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари;

в) вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинадиган аризалар, бланкалар ва статистик ҳисоботлар шакллари;

г) фуқароларнинг аризалари, шикоятлари ва бошқа мурожаатларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

д) вилоят ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги тахлилий маълумотлар ва ахборот тусидаги шарҳлар;

е) вилоят ҳокимлиги раҳбарларининг расмий нутқлари ва баёнотлари матнлари;

ж) вилоят ҳокимлигининг расмий статистик ахбороти;

з) бошқа тегишли сайтларга ҳавоалар;

и) электрон-рақамли имзо қўлланмишга қўра юридик ва жисмоний шахслардан ҳисоботлар, хатлар, аризалар, шикоятлар ва бошқа шаклдаги мурожаатларни қабул қилиш имконияти.

3. Расмий сайтида бошқа манбалардан ахборотни жойлаштиришга фақат ахборот манбаи кўрсатилган тақдирда йўл қўйилади.

№	Оқич маълумотлар рўйхати	Маълумот тайёрлаш учун маъсуллар	
		Хар ойда	
1	Вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳокимлик тасарруфидagi бўш лавозимлар ҳақида ахборот	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
2	Вилоят ҳокимлиги томондан берилган лицензиялар реестри	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
3	Рухсат бериш ҳақидаги реестри	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
4	Маҳаллий бюджетнинг асосий параметрлари	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
5	Вилоятдаги нодавлат мактабгача таълим муассасалари рўйхати (шаҳар ва туманлар кечимида почта манзили ва боғланиш телефон рақамлари билан)	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
6	Жорий этилаётган инвестиция дастурлари тўғрисидаги маълумот	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
Хар чоракда			
7	Вилоят ҳокимлиги раҳбарияти қабул қилинган ҳақида уларнинг соатлари ҳақида маълумотлар	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
8	Геохудудий маълумотлар киритилган ҳолда манзиллар тўғрисида маълумот	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
9	Асосий кўрсаткичлар, статистик ахборот ҳамда инвестицион лойиҳалар тўғрисида маълумот	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
10	Вилоят ҳокимлиги тасарруфига кирувчи қўйи ташкилотлар ҳамда уларнинг манзиллари ва боғланиш маълумотлари киритилган ҳолда рўйхати	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги
11	Маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бошқа турлари	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги

26	Нотиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилувчи нодавлат нотиқорат ташкилотлар рўйхати (почта манзили, алоқа маълумотлари ва фаолият шакли)	Вилоят бандлик бош бошқармаси
27	Канализация тизимларидан фойдаланувчи аҳоли сон	Вилоят "Сувокова" давлат унитар корхонаси
28	Вилоятдаги ҳакамлик судлари рўйхати	Вилоят адлия бошқармаси
29	Шаҳар ичи, туман ичи ва шаҳарларо рақамли транспортлари тўғрисидаги маълумот	"Ўзавтотранс" агентлиги вилоят бўлими
30	Вилоят ҳудудда қуриладиган қурилиш объектлари тўғрисида маълумот	Вилоят "Қишлоқ қурилиш инвент" компанияси
31	Самарқанд вилояти ҳокими ва ҳоким ўринбосарларнинг жисмоний ва юридик шахсларни сайёр қабулларини ташкил қилиш жадвали	Вилоят ҳокимлиги умумий бўлими
32	Вилоятда бўш турган, вақтинча фойдаланишда бўлмаган бино ва иншоотлар тўғрисида маълумот	Вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси, Вилоят "Қишлоқ қурилиш инвент" компанияси
33	Самарқанд шаҳрида жойлашган мактабгача таълим муассасалари тўғрисида маълумот (почта манзили ва боғланиш телефон рақамлари билан)	Вилоят мактабгача таълим бошқармаси
34	Аҳоли хонадонларида мева-дарактларни қўлайтириш чора-тадбирлари тўғрисида маълумот	Вилоят иқтисодиёт бошқармаси
35	Аҳоли хонадонларида чорва моллари бош сонини қўлайтириш кўрсаткичлари	Вилоят иқтисодиёт бошқармаси
36	Аҳоли хонадонларида муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини қўлайтириш чора-тадбирлари кўрсаткичлари	Вилоят иқтисодиёт бошқармаси
37	Вилоятда фаолият юритаётган туристик фирмалар тўғрисида маълумот	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси

38	Самарқанд шаҳрида жойлашган меҳмонхоналар тўғрисида маълумот (почта манзили ва боғланиш телефон рақамлари билан)	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси
39	Самарқанд вилоятидаги маҳаллий давлат бошқаруви органлари тўғрисида бағлишил маълумот (почта манзили ва боғланиш телефон рақамлари билан)	Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи
40	Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтган қўшма корхоналар тўғрисида маълумот (шаҳар-туманлар кесимида почта манзили билан)	Вилоят солиқ бошқармаси
41	Самарқанд вилоятидаги жамоат ташкилотлари тўғрисида (шаҳар-туманлар кесимида почта манзили билан) маълумот	Вилоят ҳокими ўринбосари котибияти мудир
42	Самарқанд вилоятидаги олий ўқув юртлари тўғрисида маълумот	Вилоят ҳокими ўринбосари котибияти мудир
43	Самарқанд вилоятидаги олий ўқув юртларида тахсил олиш давомида номдор стипендиялар соҳиби бўлганлар тўғрисида маълумот	Вилоят ҳокими ўринбосари котибияти мудир
44	Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган ФХД бўлиmlари тўғрисида маълумот	Вилоят адлия бошқармаси
45	Аҳолининг миграция кўрсаткичлари	Вилоят статистика бошқармаси
46	Бандлик қўмақлашиш марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони	Вилоят бандлик бошқармаси
47	Вилоят япи ҳудудий маҳсулотининг таркибий қисмлари тўғрисида маълумот	Вилоят статистика бошқармаси
48	Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	Вилоят статистика бошқармаси
49	Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари тўғрисида маълумот	Вилоят статистика бошқармаси

12	Коммунал хизматларнинг тарифлари (сув билан таъминлаш хизмати, канализация, иссиқлик энергияси хизматлари)	Вилоят "Сувокова" ДУК; "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари" АЖ; "Марказгазтаъминот" УК
13	Бозорлар ва савдо комплекслари рўйхати (шаҳарлар ва туманлар кесимида почта манзиллари билан)	Вилоят бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси
14	Назорат органлари рўйхати	Вилоят давлат солиқ бошқармаси
15	Демографик маълумотлар	Вилоят статистика бошқармаси
16	Макроиктисодий кўрсаткичлар	Вилоят иқтисодиёт бошқармаси
17	Хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий кўрсаткичлари	Вилоят иқтисодиёт бошқармаси
18	Асосий давлат дастурларининг кўрсаткичлари	Вилоят иқтисодиёт бошқармаси
19	Давлат классификаторлари	Вилоят статистика бошқармаси
20	Худудий ривожланишнинг статистик маълумотлари	Вилоят статистика бошқармаси
21	Аҳоли жон бошига нисбатан япи ички маҳсулот	Вилоят статистика бошқармаси
22	Худудлар бўйича умр давомийлиги кўрсаткичлари	Вилоят статистика бошқармаси
23	Худудлар бўйича аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисидаги статистик маълумотлар	Вилоят статистика бошқармаси
24	Ёлғиз нафақахўр, ногирон ва ёрдамга муҳтож аҳоли учун ажратилган уйлар тўғрисида статистик маълумотлар	Вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти
25	Оқилвий бизнес ва хунармандчилик билан шуғулланувчилар тўғрисидаги статистик маълумотлар	Вилоят статистика бошқармаси

50	Йирик корхоналар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимида санот маҳсулотини ишлаб чиқариш	Вилоят бошқармаси	статистика
51	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмдаги хусусий тадбиркорликнинг (фукаролар мулк) улуши	Вилоят бошқармаси	статистика
52	Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши	Вилоят бошқармаси	статистика
53	Оммавий савдоларда сотиладиган давлат объектлари	Вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси, Вилоят "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси	статистика
54	Транспорт турлари бўйича юк ва йўловчи ташиш айланмаси	Вилоят бошқармаси	статистика
55	Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Вилоят бошқармаси	статистика
56	Чорва моллари ва паррандалар бош сони ҳақида маълумот	Вилоят бошқармаси	статистика
57	Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар	Вилоят бошқармаси	статистика
58	МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилотнинг ташқи савдо айланмаси	Вилоят бошқармаси	статистика
59	Вилоят экспорт-импорти таркиби	Вилоят бошқармаси	статистика
60	Вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товарлар айланмаси ҳақида маълумот	Вилоят бошқармаси	статистика
61	Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши	Вилоят бошқармаси	статистика

62	Худудлар кесимида бозор хизматлари ишлаб чиқарилиши	Вилоят бошқармаси	статистика
63	Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетининг 2018 йил параметрлари	Вилоят молия бошқармаси	
64	Вилоятда маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловлари миқдорлари тўғрисида маълумот	Вилоят молия бошқармаси	
65	2018 йилда даромадлар ва солиқлар тушумларидан вилотдаги шаҳар ва туманларнинг бюджетларига ажратмалар меъёрлари тўғрисида маълумот	Вилоят молия бошқармаси	Бош